

АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИДАГИ ИЧИМЛИК СУВЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

Куйчиев У,И

Жиззах политехника институти

Муҳандислик коммуникациялари

кафедраси асистенти

АННОТАЦИЯ: Сув қабул қилиш тугуни, ўзандан сув қабул қилиш иншоотларининг энг асосий маъсулияти қисмларидан бири. Сув қабул қилиш тугуни нафақат сувни манбадан қабул қилишга хизмат қилади, у бундан ташқари сувни қирғоқда жойлашган сув қабул қилиш иншоотларининг бўлимлари етказиб бериш учун ўрнатилган сув узатиш қувурларининг ўзанда жойлашган бош қисмларини маҳкамлашга ҳамда уларни шикастланишдан асрашга ҳам хизмат қилади.

КАЅЛИТ СЅЗЛАРИ: гидрогеологик, биологик, аэроионлаш, филтрлаш

Сув билан таъминлашни ташкиллаштиришда асосий вазифалардан бири рационал сув манбаларни танлаш, минимал харажат натижасида аҳолини истеъмол қиладиган сувнинг ҳам сифатини, ҳам миқдори билан эҳтиёжини қониқтиришдир. Адабиёт манбалари билан танишганда шу нарса белгиландики, баъзи сув манбаларини аҳолининг хўжалик - ичимлик эҳтиёжлари учун истеъмол қилиш, гидрологик, гидрогеологик ва бошқа табиий шароитларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб, Ўзбекистоннинг хар хил минтақаларида жойлашганлиги туфайли хар хил бўлиши мумкин. Бунинг натижасида органолептик, кимё ва санитар-бактериологик кўрсаткичлари бўйича сув сифати бир хил бўлмайди. Ўзбекистон дарёларининг гидрогеологик хусусиятлари сув сарфининг нотекислиги ва охириги йиллардаги сув камлиги, суғорма дехқончиликда катта сув сарфи шундай ҳолатга олиб келдики, Республика территориясида ўтаётган кўпчилик дарёлар ресурслари амалиётда керакли бўлиб қолди. Бу табиий, биринчи навбатда Амударё ва Сирдарё каби катта дарёларнинг қуйилишларига таъсир этиб Орол ва унинг атрофида қуриш жараёнлари бошланди. Қишлоқ хўжалигида хўжалик – ичимлик сув таъминотини ташкиллаштиришда кўп холларда ер ости сувларидан фойдаланиш самарали бўлади, аммо хар хил гидрогеологик шароитларнинг мавжудлигига қараб Республиканинг турли хил жойларида улар сифати муҳим фарқланиш билан белгиланади. Кўпчилик ўзбек гигиенистлари чуқур ер ости босимли сувлар, ер юзасидаги сувларга нисбатан яхшироқ эканлигини ва органолептик, кимё ва санитар – бактериологик сифатлари билан фарқланишларини белгилайдилар.

Ер ости ва кам чуқурликда жойлашган сувлар ва ундан ҳам юзадаги ифлосланиш билан боғланган бўлади. Ер усти сувлари юқори даражали минерализацияланган бўлиши мумкин. Бунда эса мураккаб зарарсизлантиришни талаб қилади. Шунинг учун санитар – гигиена томонидан олиб қаралганда ер ости сув манбалари, туман марказида жойлашган хўжалик – ичимлик сув таъминоти марказлаштирилган тизимда ишлатишда сув найлари тизимлари орқали, қишлоқ аҳолиси, кичик гуруҳ аҳолиси марказлашмаган сув таъминотида, оддий сувга ишлов бериш ва сув кўтариш усулларида фойдаланган ҳолда самаралироқ деб топилади. Табиийки, фойдаланган сув манбаси ва ундаги сув сифатига қараб тозалаш тизим структураси ва ичимлик сувни зарарсизлантириши ҳамда сув манбаларини ифлосланишдан ҳимоялашга бўлган талаб қўшимча маблағ сарфи талаб қилади. Бунда аҳолини марказлашган хўжалик – ичимлик сув таъминоти учун фақат маълум санитар – техник ва гигиена талабларига жавоб берадиган сув манбалари танланиш керак бўлади. Аҳолига олиб берилаётган сув сифатини яхшилаш учун сув манбаларни ифлосланишдан ҳимоялашга,




уларнинг ишончлигини танлаш, ичимлик сувни зарарсизлантириш ва тозалашни ташкиллаштиришга асосланган. Аҳолига берилаётган ичимлик сувини ва сув манбасидаги сув сифатини назорат қилиш муҳим масала бўлиб санитар қонунчилик асосида бажарилиши назоратга олинади. Ҳозирги кунда ичимлик сувларнинг сифатини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикасида биринчи навбатда танланган сув манбалари давлат стандарти O`zDSt 951:2011 “Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш манбалари, гигиеник, техникавий талаблар ва танлаш қоидалари” талабларига жавоб бериши шарт. Агар танланган сув манбаларидаги сифат кўрсаткичлари гигиеник талабларга жавоб бермаса, у ҳолда сувлар махсус тозалаш иншоотларида босқичма-босқич қайта тозаланади. Аҳолига ер ости ва ер усти хўжалик – гигиена сув таъминоти манбаларидаги сув таркиби қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: - куруқ қолдиқ 1000 мг/л дан юқори эмас (санэпидем хизматлари билан келишган ҳолда 1200 мг/л гача оширилиши мумкин); - хлоридлар концентрацияси 250 мг/л дан катта эмас (санэпидем хизматлари билан келишган ҳолда 300 мг/л бўлиши мумкин); -сульфатлар концентрацияси 400 мг/л (санэпидем хизматлари билан келишган ҳолда 500 мг/л бўлиши мумкин); -умумий қаттиқлик 7 мг – экв/л дан кўп эмас (санэпидем хизматлари билан таққосланган ҳолда 10 мг – экв/л бўлиши мумкин); Бунда сувдаги кимё моддалари концентрацияси, танланганда сув манбасида, хўжалик – ичимлик ва маданий – маиший сув таъминотидаги сув (рухсат қилинган чегаравий концентрацияси) ПДК дан катта бўлмаслиги керак ҳамда радиация хавфсизлик нормалари бажарилиши керак. Сув сифатини бошланғич босқичини талаб қилинаётган ишлов бериш даражасига қараб ер ости сув манбалари 3 гуруҳга тақсимланади. Белгиланган ҳар бир белгили сув манбаси учун сув тозалаш схемаси ва талаб қилинган реагентлар олдинги ўтказилган тадқиқотлар технологик талаблар асосида ски ўхшаш шароитда тозалаш бинолар иш тажрибаси асосида танланади. Хусусан, ер ости 1 гуруҳ сув манбалари сувлари учун; улар сифати ичимлик сувлар талабларига қониқарли бўлгани учун, қўшимча ишлов бериш қўлланмайди, Ер ости 2 гуруҳ сув манбалари учун, уларнинг сифати баъзи кўрсаткичлар бўйича тўғри келмаганлиги сабабли, аэроционлаш, филтрлаш ва зарарсизлантириш каби усуллар қўлланиш керак.

Республикада аҳоли истеъмол қиладиган сувларнинг санитар – биологик томонидан сифатига қўйиладиган талаблар таҳлил қилинган ва ҳозирги кунда қўлланиладиган асосий норматив ҳужжатлар тўғрисида қисқача маълумотлардан фойдаланиб юқорида кўрсатилган усуллардан ташқари қўшимча дастлабки тинитиш билан филтрлаш, тўғри келадиган реагентларин қўллаш ёки бошқа самарали зарарсизлантириш усулларини қўллаш керак

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Гигиенические и санитарно – технические требования к источникам централизованного хозяйственно – питьевого водоснабжения. Правила выбора. СанПинН РУз №0025-94, - Т.:1994 – 7с
2. ИНФОРМАЦИОННОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ УПРАВЛЕНИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМ ПРОЦЕССОМ ВОДОПОЛЬЗОВАНИЯ НА ОРОСИТЕЛЬНЫХ СИСТЕМАХ Абдуллаева Д.А.- ассистент, Азизова Н.Ш. - ассистент,
3. Sattorov, A. B. (2020). Use and analysis of gaseous fuels in industrial furnaces producing ceramics and building materials. Science and Education, 1 (9).
4. Sattorov A B Measures To Reduce Pollutants Discharged Into The Environment In Industrial Enterprises. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal <https://giirj.com/index.php/giirj/index>



5. Saydullaev, S.R., & Sattorov, A.B. (2020). Ananaviy qozonxona o'choqlarida yoqilg'i sarfini tahlil qilish va kamchiliklarini bartaraf etish. Nauchno-metodicheskiy jurnal "Uz Akademia, 198-204.
6. Sattorov, A. B. Sopol buyumlar va qurilish materiallari ishlab chiqaruvchi sanoat pechlarida gaz yoqilg'isidan foydalanish va taxlil qilish. Science and Education, 2020-yil 156-159
7. Сайдуллаев, С. Р. (2020). Десисион-макинг сйстем фор тхе ратионал усе оф ватер ресоурсес. Журнал оф Сентрал Асиан Сосиал Студиес, (01), 56-65.
8. Mansurova Sh.P. Decentralization is one of the ways of energy efficiency of heat supply // Academic journalism. - S. 30.

